



НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ТАЪЛИМ” КОНЦЕПТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

*Юсуфалиев Э.М.
Масодиқова З.Х.*

*Мактабгача ва бошлангич таълимда инглиз тили кафедраси ўқитувчилари
Қўқон давлат педагогика институти*

Таянч сўзлар: концепт; лингвокултрология; адабий тилшунослик; таълим; тарбия, семантик майдон, лисоний макон.

Ключевые слова: концепт; лингвокультурология; литературоведение; образование; воспитание, семантическое поле, языковое пространство.

Key words: concept; linguocultrology; literary linguistics; education; upbringing, semantic field, linguistic space.

XVIII-XIX асрлар боши немис маданиятида “Bildung”/“Таълим” тушунчасининг мавжудлиги таҳлили унинг моҳиятини аниқлаш имконини берди ва бунда у «маданият» концептуал соҳаси билан боғлиқлиги таъкидланади, чунки «Bildung»/“Таълим” тушунчаси унинг марказий элементи сифатида шахснинг унда бевосита иштирок этиш воситаси ҳисобланади. «Bildung» лингвомаданий концепцияси миллий ўзига хос жиҳати билан ажralиб туради ва у немис миллий маърифатчилиги ва лингвомаданиятида мавжудир.

Концептларни тарихий-маданий нуқтаи назардан лингвистик таҳлил қилиш семантик тадқиқотларни бойитиб, миллий маданиятда ва диахронияда, хусусан, маърифат даврининг лисоний маконида мавжуд тушунчанга кириш имконини беради. Унинг асосий маҳсули сифатида ўрганилаётган даврда Европада муҳим ахамиятга эга энциклопедиялар эди, чунки у билимларни тизимлаштириш, асосий ва маданий ҳодисаларни тушунтириш, фундаментал фактлар ва ҳодисаларни ажратиб кўрсатиш ва тасвирлаш, шунингдек, билимга бўлган иштиёқни оммалаштириш ва ўқувчиларга катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш ва билмларни халқаролаштириш имконини берди.



«Bildung» лингвомаданий концепти Германияда 18-19-асрлар охири маданий ҳаётнинг муҳим ҳодисаларидан бўлиб, бу тушунча ўша даврнинг асосий миллий энциклопедиялари ва луғат ёзувларида қайд этилган ва унинг мазмунини очиб беришни ўрганиш билан исботланган. Энциклопедияларнинг ҳар бири “Bildung” тушунчасининг ўзига хос талқинларини ёритишга имкон беради.

Шундай қилиб, 18-асрнинг ўргаларида пайдо бўлган Цедлер лексикони ва унинг тўлиқ нашрида «Bildung» va «Bildung des Menschen» тушунчала-ри мавжуд бўлган. «Bildung» - «formatio» - ҳомиланинг бачадонда шаклла-ниши, шунингдек, объектнинг тури ва шакли [1.908,бет]. Бирок, «Bildung des Menschen» мақоласида ҳали ҳам бу ҳодисани «плода» (ички томони) шаклланиши сифатида табиий-фалсафий идрок этиш мавжуд бўлиб, уни текшириш қийин кечади, чунки унинг қайсиdir қисмини аниқлаш даст-лаб танаси шаклланадими ёки бошқаси бу мушкул иш эди. Унда инсон тарбиясининг ташқи томони ҳам айтиб ўтилган - булар тил, юриш-туриш, юз хусусиятларидаги фарқлардир [ўша ерда]. Шарҳдан кўриниб турибди-ки, ушбу ҳодисанинг фақат маданият билан боғлиқлиги тилга олинади, лекин шахс ички дунёси шаклланиши ёритилмайди.

Цедлер лексиконида бўлгани каби, «Bildung» тушунчаси учун Эрш ва Грубер энциклопедиясида ҳам характерловчи сифатлар билан иккита мақо-ла берилган: «Bildung, physische» ва «Bildung, menschliche» [2.184,бет]. Биринчи ҳолатда, «physische Bildung» тушунчасининг синонимлари бе-рилган: «Bildungskraft», «Bildungstrieb», «Organismus» мақоласига ҳавола берилган. Иккинчи мақолада «Erziehung» “Тарбия” мақоласига ҳавола бе-рилади, у иккига бўлинади: « Erziehung» тўғри ва «physische Erziehung».

Энциклопедия инсонни тўлақонли тарбиялаш муҳимлигини тасдиқлайди: педагогика касбини ўзлаштириш учун зарур бўлган ва меҳнат касбий фаолиятда қўлланилиши мумкин бўлган ҳар қандай қобилият, майл ва кўниқмаларни шакллантиришдан ташқари, болада ахлоқ ва хулқ-атвор талабларига мос келадиган гўзаллик ғоясини шакллантириш ҳам муҳим ҳисобланган. Агар тарбиячи бу муаммони муваффақиятли ҳал қиласа, демак унинг иши аъло даражада амалга оширилган ҳисобланади.

“(physische) Erziehung” мақоласида инсонга жисмоний тарбиянинг моҳияти, мақсад ва вазифалари очиб берилган. Демак, жисмоний тарбиянинг вазифаси тана мойиллиги ва кучларига эркин фаолият қилишни таъ-минлаш, шунингдек, шахснинг маънавий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантиришни таминлашдан иборат.



Брокгауз лексиконида «Bildung» бирор нарсанинг шакли ва тасвири учун белги сифатида қаралади, бунинг натижасида одам уни борича қабул қиласи. Ушбу сўзнинг ишлатилиши, айниқса табиат билан боғлиқ бўлган табиий шаклларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини, масалан, ўсимликлар ёки тоғ тизмасини билдириш учун қайд этилган. Худди шу лўғатда бу тушунчанинг табиатшуносликдан инсон ва жамият маънавий ҳаёти соҳасига кўчирилиши кўрсатилган. Шу сабабли, маънавий ҳаёт манзаралари, шахснинг урф-одатлари, анъаналари, характер хусусиятлари, билимлари, интилишлари ва ҳаракатларида маълум мазмун ва ифодани ўз ичига олади.

Унда таъкидланишича, “Bildung” тушунчаси инсон фаолиятига қараб ўзгариши мумкин, сўнgra илмий, диний, сиёсий, педагогик, ишлаб чиқариш, ҳарбий таълим ҳақида гапириш мумкин. Хотира, тушуниш, фантазиянинг турли руҳий фаолият турлари сифатида шаклланиши ҳам алоҳида жиҳатдан ёритилган. Бунда таълим тизими ҳақида ҳам айтиб ўтилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти таълим идеалига боғлиқ бўлиб, унга таълим жараёнида эришилиши лозим. Таълимнинг қарама-қарши томони «Рухият» каби тушунчалардир.”, «Rohheit», «Mangel an Bildung», «Verbildung».

Ўрганилаётган даврнинг миллий характердааги изоҳли луғатлари (И.К.Аделунг (1774-1786 й.й.), Й.Х.Кампе (1807-13 й.й.), Я ва В. Гrimmlar (1854-1961) 1820-йиллардаги луғат.) луғатларнинг мураккаблиги ва кўп қирралилигини акс эттиради. «Bildung» маданий ҳодисаси, шахс ички дунёсининг шаклланиши ва ривожланиши, шунингдек, ташқи кўриниши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Энциклопедиялар эса деярли бутун инсониятнинг ички ривожланишини ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқади ва «Bildung» нимадир яратиш фонига ўтади.

Демак, Аделунг луғатида (4.1-ж. 1018-бет) “Bildung” ҳақида маълумот йўқ, лекин “bilden” феълига ҳавола бор. Ушбу маълумотда бу тушунчанинг иккита талқини берилган: биринчи томони, бу танага ташқи шакл бериш жараёни *Bilden*» отга боғланиш), иккинчи томони, объектнинг шаклини тасвирлашда нусха кўчириш жараёни. Биринчи талқин доирасида Аделунг иккита кичик маънени белгилайди: 1) предметга ташқи шакл бериш натижасида бирор нарса ясамоқ; шунингдек образли ифода: 2) руҳ ва ирода кучларига мос йўналиш беришдир.

Аделунгдан фарқли ўлароқ, Кампф луғатида ҳам «Bildung»га бағишлиланган алоҳида мақола мавжуд. Бу сўзнинг тўртта талқинини беради: 1) тарбия, шаклланиш жараёни. Бундан ташқари, бу шаклланиш «meist



uneigentlich» содир бўлади ва эпигенез назарияси билан боғлиқ; 2) табий тузилиш ва ички тузилиш. Шуни таъкидлаш керакки, бу талқин янги, лекин шубҳали, аммо лугатга мажбуран киритилганлиги сезилиб туради, чунки бу мисоллар алоҳида матнларда учрайди; 3) одамнинг ташки кўриниши, айниқса, юзи; 4) шахснинг рухи, ички дунёсининг шаклланиш давридаги ҳолати, шахс “Geschicklichkeiten und seine Sitten angenommenhat” [5.534,бет].

Ака-ука Гриммлар лугатида (2-ж.1860-бет) бир мақолада сўзни талқин қилишнинг тўртта имкони берилган: 1) ursprünglich bedeutete bildung imago, was bild und bildnis; 2) langerhalt sich der sinn von forma, species, gestalt, nichtnurder menschlichen, sondern auch der thierischen, und jeder andern natürlichen, dann auch 14 gestaltung; 3) bildung, cultusanimi, humanitas; 4) bildung, formatio, institutio.

Биринчи тушунча «Bildung» ходисаси «imago dei» «назарияси билан боғлиқ бўлиб унинг тасвири сифатида дастлабки тушунчасини акс эттиради, унга кўра, Худо инсонни ким учун яратди? Иккинчи маъно «Bildung»ни ташки формаси сифатида одам ёки ҳайвоннинг ташки кўринишини тушуниш билан боғлиқдир. Учинчи маъно тушунчанинг маданият, маънавий ҳаёт, таълим ва инсоннинг ички дунёси билан боғлиқлигини таъкидлайди. Охирги маъно тушунчанинг оғзаки томонини ифодалайди: бирор нарсанинг шаклланиши, тузилиши, келиб чиқиши.

Шундай қилиб, агар Аделунг лугати билвосита «Bildung»нинг фақат иккита талқинини берган бўлса, ака-ука Гриммларнинг немис тили лугатида, шунингдек, Кампф лугатида ушбу маданий ҳодисанинг тўрт жиҳати таъкидлаб ўтилган бўлиб, уни батафсилик талқин қиласди. Аделунг ва Кампф лугатларида немис тилидан фойдаланган ҳолда унга таллуқли бўлган керакли маълумотларни беради ва ака-ука Гриммлар лугатида улар немис ва лотин тиллари билан қиёслаб ёритилган.

«Bildung» концептнинг яdrovий архисемаси негизида “ривожланиш, шаклланиш, ўқиш, ўрганиш” тушунчалари ётади. Бу лексеманинг эса ўзига хос семантик майдони мавжуд. Кузатувларимиз натижасида немис педагогик терминлар тизимининг тарихий шаклланишида ушбу архисема атрофида амалга оширилганлиги аниқланди.

Тахлил натижаларига кўра «Bildung» тушунчасининг маъно кўлами аста-секин кенгайиб замонавий янги йўналишларнинг шаклланишига олиб келганини кўрамиз.

“Bildung” концептини воқелантрувчи термин-тушунчалар



Немис тилидаги таълим билан боғлик тушунча терминлар: Bildungsreform, Bildungssoziologie, Bildungsforschung, Bildungstheorie, Bildungsgang, Bildungsverwaltung, Politischebildung, Bildungsberatung, Bildungsrecht, Bildungspolitik, Bildungsqualifikation, Bildungsplanung, Bildungsschicht, Bildungökonomiy, Bildungselfsterfahrung, Bildungsmöglichkeit, Bildungseinrichtung, Bildungslücke, das Currikulum, Freizeitpädagogik, Grundschulpflicht, Lehrerausbildung , Allgemeinbildung , Bildungslücke ва.б

Шахз номлари билан боғлик терминлар: der Lehrer, der Schullerer, der Lektor, der Lehmann, der Schulmeister, der Pedagoge, Der Pauker, der Rektor, der Direktor, der Vizerektor, der Lehrschulleiter, der Orator, der Dozent, Tutor, Assistent, Kurator, Dozent, Professor, Moderator, Fosilator, Dean, Akademienmitglied, Wissenschaftler, Aufklärer, gebildeter Mann, gelehrt Mann, Erneuerer, Kreisleiter, Realschullerer, Gimnasiallehrer, Fachberater; der Schuler, der Lehrling, der Jünger, der Schulfreund, Schulkamerad, Klassensprecher, der Student, die Zuhörer , der Praktiker, ein studeirte Mann, Oberst, Hörer, der Absolvent,

Таълим билан боғлик жой номлари: va. 6. Schule, Die Gesamtschule, Mittelschule, Privatschule, Die Internatsschule, die Lyzeum, Die Berufsschule, Die Fachschule, Die Akademie, Die Universität, Die Fakultät, der Fachbereich, der Lehrstuhl, Staatschule, Hochschule, Gymnasium, Universität, Rektorat, Ausbildungsabteilung, Raum, Laborraum, wissenschaftliche Abteilung, Studentenwohnheim, Lerncampus, Bibliotek, Lesesall, Druckerei,

Таълим билан боғлик нарса-предмет номлари: Die Dissertation, Die Vorlesung, das Stipendium, der Vortrag, Workbook, Wortschatz Kartei, Test, Video, Video-Rekorder, Text, die Textsammlung, Bilderbuch, Buntstifte, Lehrplan, selbstständiges Arbeiten, kreatives Arbeiten, Laptop, Tagebuch, Lehrbuch, Studienführer, Abstract, Rezension, Broschüre, Manuskript, Hinweiszettel, Tafel, Kanzel, Notizblock, Springbrunnen Stift, Kugelschreiber, Drucker, Computer, Monitor, Marker, Rundschreiben, Papier, Buch, Wörterbuch, Notizbuch, Tagebuch, Projektor-der Bildwerfer, Radiergummi, Gliederung, Unterrichtsplan, Internet, Ansitzer, Artikel, Tischstuhl, Enzyklopädie, Abschlussarbeit, Monographie, Lineal, Tasche, Pena, Arbeit, Dissertation, Hausaufgabe, Diplom, Dokumentarfilm, Filmfragment

Таълимни ифодаловчи мавхум тушунча номлар: das Vergessen, die Analyse, Aufmerksamkeit, Bedeutung, begabt, Begabung, begründen, der Eindruck, Hypothese, Vernunft, Intellekt, Denken, Schlussfolgerung, Argumentation, Ideologie, Gedanke, Idee, Gedanke, Diskussion, Talent, Fähigkeit, Verständnis, Idee, Korrespondenz, Entdeckung, Erfindung, Bewusstsein, Systematisierung, Interpretation, Denken, Erlebnis, Eindeutigkeit, Erfassen, Ermüdung,

Таълим жараёнини ифодаловчи терминлар: Die Forschung, Die Pause, der Kursus, Lehrgang, Das Semester, Das Fernstudium, Abschlussprüfung, Abschlusszeugnis, Wiederholung, der Vergleich, Übung, Unterricht, das Drillübung, die Einsetzung, Abschlussstunde, darstellen, das Denken, die Einzelarbeit, Einzelunterricht, Praktikum, Urlaub, Bachelor, Master, Aufbaustudiengang, wissenschaftliche Forschung, selbstständige Forschung, Prüfung, Verteidigung, Zulassung, Studium, Olympiade, Tagung, Praktikum, Abreise, Pause, Exkursion, Lesung, Diskussion, der Zirkel, Erprobung

Таълим билан боғлик белгини ифодаловчи термин номлар: akademische Grad, die Beurteilung, die Differenz, der Fehler, gelehrt, klug, intellektuell, enzyklopädisch, intellektuell, privilegiert, gelehrt, ungelehrt, wissenschaftlich, unwissenschaftlich, interpretierend, scharfsinnig, kreativ, methodisch, ideologisch, zurückgeblieben, fähig, gebildet, befriedigend, unbefriedigend, gelehrt, gleichgesinnt, talentiert , methodisch, monographisch, begabt, bewusst, unbewusst ва.б.

Таълим билан боғлик харакни ифодаловчи термин-номлар: Feedback,-Rückmeldung, abschreiben, angeboren, ausmalen, erklären, erzählen, erweitern, schreiben, auswerten, lesen, lehren, auswendig lernen, blättern, zeigen, bearbeiten, programmieren.

Bildung

Узбек тилининг таълимга оид педагогик терминлар тизимини шакллашиши, ривожи қадимий тарихга эга. Дарвоқе, ҳар қандай халқнинг ижти-



моий ривожи, илм-фан тараққиёти, менталитети ушбу тушунчаларни қанчалик халқ турмуш тарзига сингдирилганлиги, хослашганлиги билан боғлиқ. Қадимий тарихга назар ташласак, қадимдан илм-маърифатга эга бўлган ўзбек халқининг таълим тизими турли даврларда турлича шаклланган, ривожланган ва ривожланиб келмоқда. Дастрраб, бу тушунча термин VI-VII асрлар Зардуштийлик динининг муқаддас китоби - «Авесто» да келтирилган бўлиб, у фалсафий, сиёсий, тарбиявий ҳамда филологик масалаларни қамраб олган. «Авесто» асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ва иши эзгу бўлиши ва эзгуликнинг тантанаси учун хизмат қилишига катта эътибор қаратилади. Бундан ташқари қадимги туркий халқлар ёдгорликларидан бўлган Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадғу билиг» асарида ҳам таълим тарбияга оид турли қарашлар мавжуд бўлиб унда комил инсон ғояси илгари сурилади. Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарини ўз тадқиқотида илмий тадқиқ қилган Д.Ш. Раҳматуллаева “ilm-maъrifat” семесаси билиг, билгиг, ўқуш, билигиз, билга тарзидаги лўғавий бирликларнинг барчаси ҳозирги ўзбек тилидаги билим, билимли, ўқиш, билимсиз, олим каби лексемалари билан мувофиқ келишилигини таъкидлайди.

VII-аср ўрталаридан бошлаб арабларнинг Мовароуннахрга бостириб кириши ва ислом дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби “Қуръон”нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий этилиши, ўлкада мусулмон мактабларининг очилиши ва араб тили мухим фан сифатида ўқитилиши таълим-тарбиянинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Арабистондаги каби Мовароуннахрда ҳам барча масжидлар ҳузурида мактаблар очилди ва ўғил болаларга шу мактабда қуръон ўқишини ўргатишига фармон берилди. Худди мана шу даврдан бошлаб бу ўлкада биз лингвистик жиҳатдан ўрганаётган “таълим” термини оммалашиб боргандигини кузатишимиш мумкин. Унгача бўлган даврда бу терминлар уқуш, оқиш, билг каби кўринишда келганлигини маълум қиласиз. Бу терминларни Маҳмуд Қашғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида таълимга оид лексемалар шаклида қўйидагича ифодалангандиги ва ҳозир ҳам баъзи фонетик ўзгаришлар билан ишлатилиб келинаётгани сир эмас: окуш-ўқиш, уқуш-ўқиш, англаш, билга (олим, билимдон), эрдамсизин (илмсиз), ўгут (ўгит), [9. I-III.жиллар] кабилар.

XV асрда яшаб ижод этган буюқ аллома, сўз устаси ҳазрат Алишер Навоий асарларида ҳам “таълим”, “тарбия”, “ахлоқий” фазилатлар билан бирга “ахлоқсизлик” каби сифатлар ҳам ифода этилади. Алишер Навоий



ўзининг “Назим ул-жавоҳир” номли асарида илмга қуидаги тариф беради:

Ким олим эса, нуктада барҳақ де они,
Гар базм тузар, биҳиши де они.
Ҳар кимсаки, йўқ илм анда аҳмоқ де они,
Мажлисдаки илм боиса учмоқ де они. [10. 15-том]

Берилган мисрада аллома, илм, барҳақ, биҳиши, аҳмоқ сингари лексик бирликларни қўллаган бўлиб, илмли, оқил одам ўз мақсадига эришиш йўлида учрайдиган ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиши, ким илмни ўзига таянч қилиб олса, у ҳеч қачон қоқилмаслигини, зеро илм инсоннинг баҳт-саодатини таъминлашга хизмат қиласиган ғоя эканлиги таъкидланади.

Яна бир буюк ўзбек адаби Захириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) таълим ва тарбия тўғрисидаги қарашлари унинг асарларида фаол акс этгани ва қўлланганлигини кузатиш мумкин. Бобур ғазалларида таълим-тарбия, одоб-ахлоқ, кишиларни яхшиликка ундаш ва машаққатли меҳнат туфайли илм олиш мумкинлиги уқтиради.

*Ким ёр анга илм толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак,
Мен толиби илми толиби илме йўқ,
Мен бор мен илм толиби, илм керак.*

Бу мисрада Бобур илм, толиб, ўрганмоқ каби педагогик терминларни қўллаганини ва унда бутун оламга илм ва илм олган шахслар кераклиги, шу билан бирга илмларни ўрганишни истайдиган шахслар ҳам зарур эканлигини, ва ўзига ўхшаган илм толибларининг илми бу дунё муаммоларини ечишда камлик қилишлигини ва мен ҳаётда бор эканман илмга интиламан деб таъкидлайди ва мавҳум тушунчалар орқали илм ўрганиш машаққатли иш эканлигини камтарона ифодалайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида тилшунос олим Ш. Раҳматуллаев томонидан яратилган “Ўзбек тилининг этимологик луғати”да “Таълим” бу арабча сўз *ta'lim* (*un*) шаклига эга сўздан олинган бўлиб, у ўзбек тилига суқунли айн ўрнига ъ (айриш) белгиси орқали, чўзиқ і товушини и товушига алмаштириб қабул қилинганини ва *ta'lim* – таълим деб қўлланишини ва бу сўз асли айлма феълининг “ўқитди”, “ўргатди” маъносини англатувчи ъалама феълидан ҳосил қилинганини ҳамда “ўқиш-ўрганиш, кузатиш орқали ҳосил қилинган билим-кўникмалар” каби маънони англатиши луғатда келтирилган. Таълим сўзидан ўзбек ти-



лида таълимли, таълимсиз сифатлари ясалгани, бу сўз билан таълим-тарбия жуфт сўзи тузилгани луғатда акс этган.

2008 йилда ўзбекистонлик бир гурӯҳ педагог, психолог мутаҳассислар томонидан “Педагогик атамалар луғати” чоп этилди. Луғатда келтирилишича, “Таълим”- ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш, ривожлантириш кўникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси деб тариф берилган.

К.Турғунбоев, А.Тешабоевлар томонидан яратилган “Педагогика назарияси ва тарихи” номли ўқув кўлланмасида, “Таълим” деганда, ўқувчилар томонидан илмий билимларни ўрганиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш асосида уларда дунёқараш, ахлоқий ва бошқа шахсий сифатларнинг шаклланиши, шунингдек, ижодий қобилият ва кучларнинг ривожланиши тушунилади деб тариф берилиб, маълумот тариқасида шундай дейилган. “Таълим тарбия натижасида ҳосил бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндисидан иборат.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да «Таълим – (ўргатиш, ўқитищ, илм бериш; маълумот) 1. Билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. 2. Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланган, олинган маълумот ва кўникмалар мазмуни, билим. 3. Тарбия, одоб-ахлоқ. 4. С.Т. Кўрсатма, йўл-йўриқ, ўргатув маъноларини билдиради [13. 4-жилд 28-29, бетлар].

Кўриниб турибдики , таълим лексемаси таркибида илм, билим бериш семаси бирламчи бўлиб, барча кўчма маъноларда ниманидир ўргатиш маъноси билдирилади.

Маълумки, тил бирликларини бирлаштирувчи маъноларнинг маълум парадигмаларда гурухланиши майдон термини билан номланади. Чунки ҳар қандай лексик бирликни функционал-семантик хусусиятлари маълум семантик майдон доирасида реаллашади. Лексик семантик майдон, макро ва микро гурухларни таснифлаш орқали изоҳланади.

Юкоридаги илмий назариядан келиб чиқкан ҳолда “Таълим” концепти-нинг семантик майдонини алоҳида кўриб чиқиш талаб этилади.

Ўзбек тилидаги “Таълим” концептининг ядрорий архисемаси негизида “илм, хунар, ўқитищ, ўргатиш” тушунчалари ётади. “Таълим” концепти-нинг ўзига хос семантик майдони мавжуд. Кузатувларимиз натижасида ўзбек педагогик терминлар тизими тарихий шаклланишида ушбу архисе-ма атрофида амалга оширилганлиги исботланди.

“Таълим” концептини воқелантирувчи термин-тушунчалар



Таълим

Таълим билан боғлиқ тушунча терминлар: мактабгача таълим, бошлангич таълим, ўрта маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, мажбурий таълим, етакчи таълим, маҳсус таълим, электрон таълим, ракамли таълим, академ таълим, диний таълим, дунёвий таълим ва.к.

Шахс номлари билан боғлиқ терминлар: ўқитувчи, устоз, домла, директор, ректор, проректор, кафедра мудири, маърузачи, тютер, асистент, куратор, доцент, профессор, модератор, фасилатор, педагог, декан, академик, олим, зиёли, маърифатчи, ижодкор, новатор, оратор, муаллим, репетитор;

ўқувчи, талаба, студент, толиб, тингловчи, гурух сардори, шогирд, амалиётчи, курсдош, синфдош, мактабдош, билимдон, паргадон ва б.

Таълим билан боғлиқ жой номлари: мактаб, колледж, лицей, илмгоҳ, олийгоҳ, институт, университет, академия, билим юрги, мадраса, гимназия, ижод мактаби, президент мактаби, ихтиосолаштирилган мактаб, ўкув марказ, дорифунун, деканат, ректорат, кафедра, ўкув бўлими, илмий бўлими, лаборатория, лингафон хонаси, компьютер хонаси, талабалар ёткочонаси, талабалар ошхонаси, ўкув бино, фаоллар зали, кутубхона, факультет, дарс хона, кироат хона, типография, нашрёт ва. б.

Таълим билан боғлиқ нарса-предмет номлари: мажмуя, силлабус, календар тематик режа, шахсий иш режа, мустақил иш, ижодий иш, ноутбук, журнал, дарслек, ўкув кўлланма, ўкув-услубий кўлланма, автореферат, тақриз, рисола, кўлғэзма, хавола-сноска, доска, минбар, блокнот, авторучка, калам, расм, принтер, компьютер, манитор, маркер, циркуль, когоз, китоб, лугат, дафтар, кундалик, проэзетор, ўчиргич, конспект, дарс ишланима, интернет, калам чикаргич, макола, стол-стул, энциклопедия, тезис, монография, линчайка, сумка, синвар, асар, реферат, мустақил иш, диссертация, курс иши, диплом

Таълимни ифодаловчи мавхум тушунча номлар: грант, боб, фараз, зиё, заковор, тафаккур, хулоса, мулоҳаза, мафкура, фикр-ўй, фикр-хәёл, иқтидор, истеъод, талант, лаёкат, кобилият, тушунча, гоя, хат-савот, кашфиёт, ихтиро, онг, тизимлаштириш, изоҳлаш, фикирлаш,

Таълим жараёнини ифодаловчи терминлар: дарс, амалиёт, сабоқ, атестация, аккредитация, таътил, бакалаврият, магистратура, аспирантура, докторантурат, илмий тадқиқот, мустақил тадқиқот, имтиҳон, ижод, химоя, кабул, таҳсил, олимпиада, мажлис, ординантурат, ўйклама, танафус, экскурсия, мутола ва.б

Таълим билан боғлиқ белгини ифодаловчи термин номлар: билимдон, билимли, зукко, зехнли, закий, комусий (энциклопедик), интелектуал, имтиёзи, илмпарвар, илмли, илмсиз, изоҳли, идрокли, ижодий, услубий, гоявий, калок, коблянятли, ўқимиши, коникарли, коникарсиз, ўкувлви, ҳамфир, истеъодли, метадологик, монографик, иктидорли, онгли, онгсанз ва. б.

Таълим билан боғлиқ ҳаракни ифодаловчи термин-номлар: ёзмок, баҳоламок, ўқимок, тушунтирумок, ўқитмок, ёдлатмок, сахифаламок, кўрсатмок, таҳрирлап, дастурлап,

Хулоса қилиб шуни такидлаш керакки “Bildung”/ “Ta’lim” тушунчаси икки мамлакатда тарихий, ижтимоий-маданий ва сиёсий контекслар таъ-



сирида шакилланган ва ўзгарган мураккаб кўп қиррали ходисадир. Немис ва ўзбек “Таълим” / “Bildung” тушунчалари мазмунида бир нечта бир хил семантик гурухлар аниқланган: “шахсни ривожлантириш”, “яхши тарбия”, “мақом кўрсаткичи”, “ўқитиши”, “билимларни ўзлаштириш”, “ахлоқий ва маънавий тарбия”, “шахсий фазилатлар”. Уларнинг ҳар бири концептуал жихатдан муҳим хусусиятлар тўпламини ўз ичига олади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, немис ва ўзбек тилидаги “Ta’lim”/ “Bildung” тушунчалари статистик эмас, чунки ҳозирги вақтда уларга ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий омиллар таъсир кўрсатади, бу уларнинг немис ва ўзбек тил маданиятида ўзгаришларга олиб келди.

Адабиётлар:

1. Zedler, J.H. Grosses vollständiges Universal-Lexicon aller Wissenschaften und Künste. Halle u. Leipzig: J.H. Zedier, 1741. - S. 928. Zedier.
2. J.S. Ersch und J.G. Gruber Algemeine Encyclopädie der Wissenschaften und Kunst. Leipzig 1818-1889. S. 167. 78000.
3. Brockhaus, F.A. Real-Encyklopädie für die gebildeten Stände. Konversations-Lexikon. Leipzig: F.A. Brockhaus, 1851. - S. 693-694. Brockhaus.
4. Adelung J. Ch. Versuch eines vollständigen grammatisch-kritischen Wörterbuches der hochdeutschen Mundart mit beständiger Vergleichung der übrigen Mundarten, besonders aber der Oberdeutschen. - Leipzig : Verlegs Bernhard Christoph Breitkopf und Sohn, 1774-1786. - S.
5. Campe, J. Wörterbuch der deutschen Sprache. In 5 Bd. Braunschweig, 1807- 1811.-732 S. Campe.
6. Электронная версия немецкого словаря братьев Гримм «Deutsches Wörterbuch» von J. und W. Grimm. Grimm. URL: [http://germazope.uni-trier.de/Projects/WBB/woerterbuecher/1](http://germazope.uni-trier.de/Projects/WBB/woerterbuecher/). Источники
7. Турғунбоев К, Тешабоев А. Педагогика назарияси ва тарихи. Ўқув кўлланма. – Андижон: “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ 2010. – 20 бет.
8. Рахматуллаева Д.Ш. “Илм-маърифат” семали лўғавий бирликларнинг структур-семантик ва тарихий-функционал тадқики: Филол. фан.б. фалс.докт.дисс. автореф. – Фарғона, 2020. – Б.85.
9. Махмуд Кашибарий. Девону луготит-турк (Туркий сўзлар девони). I-III.жиллар. Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2016.
10. Навоий Алишер. “Низомул Жавохир”. Арабин. Насоим ул-муҳаббат, асарлар. Ўн беш томли.15-том. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1968
11. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. 2-Жилд. Тошкент Университет. 2003.-434бет
12. Джўраев Х.Р, Толипов Ў.К., Сафарова Ф.Р, Тўракулов Х.О, Иноятова М.Э, Диванова М.С. Педагогик атамалар лугати. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 122.
13. ЎТИЛ. 5 жилдлик. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2008. 4-жилд. 28-29-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада немис ва ўзбек адабий тилшунослигида мавжуд “Таълим ва тарбия” концептларининг шаклланиши даврлари ва лингвомаданий таҳлиллари ҳамда немис тилидаги “Bildung” ва ўзбек тилидаги “Таълим” концептларининг семантик майдонлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются периоды становления и лингвистический анализ существующих концептов «образование и стажировка» в немецком и узбекском литературоисследовании, а также семантические поля концептов «Образование» в немецком «Bildung» и узбекском.

SUMMARY

This article highlights the periods of formation and linguistic analysis of the existing concepts of «education and training» in German and Uzbek literary linguistics and the semantic fields of the concepts of «Education» in German «Bildung» and Uzbek.